
“Беларус 1523” трактору хатланди

↗Барчамизга маълумки давлат бюджети асосан солиқ тушумларидан шакллантирилади. “Чилмат раис” номли фермер хўжалиги ҳам солиқдан бўлган қарзини тўлаш чораларини кўрмаганлиги учун 24.11.2022 йил куни Фарғона Давлат солиқ бошқармаси томонидан ушбу фермер хўжалигидан ДСИ фойдасига 169.293.425 сўм солиқ қарзини ундириш ҳақида қарор чиқарилган.

↗Бюронинг Бешариқ туман бўлими томонидан қарздорга солиқдан бўлган қарзини тўлаши лозимлиги ҳақида бир неча марта огохлантирилган ҳолда ихтиёрий муддат ҳам берилган.

↗Ленкин фермер хўжалиги томонидан солиқ қарзини тўлаш чораларини кўрмаганлиги учун, 16.07.2023 йил куни қарздорга тегишли бўлган “Беларус 1523” русумли ҳайдов трактору хатланди.

↗Ҳозирда мазкур техника воситасини аукцион савдога чиқариш чоралари кўрилмоқда.

МИБ Бешариқ тумани бўлими

2023-07-18 13:28:24